


# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ



Қумқўрғон тумани 2- сектор ҳудуди Боймоқли маҳалласида туман ҳокими Р.Гаппаров ва туман прокурори Ш.Акрамовлар томонидан тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Унда аҳоли билан ишлаш, улар ўртасида тиббий маданиятни ривожлантириш, соҳадаги муаммолар камчиликлар муҳокама қилинди.

Очиқ мулоқотда 2-сектор ҳудудидаги 37-ҚОПнинг Қумқўрғон филиали ходими Х.Омонова томонидан ушбу тиббиёт масканига интернет тармоғини улаш ҳамда

компютер жамланмаси берилишини сўраб қилган мурожаати ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, Асрлонбойли ҚОП, Боймоқли ҚОПга принтер ва компютер жамланмаси олиб бериладиган бўлди.